“РЎЙҲАТГА ОЛИНГАН”
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раисининг
биринчи ўринбосари
Б.Э.Захидов ______
“11” август 2020 йил
№ DS-37-0270-1

“ТАСДИҚЛАНГАН”
Чет эл капитали иштирокидаги
“Hamkorbank” акциядорлик тижорат
банки 2020 йил 17 июл кунги
Кенгаш мажлисининг 17-сонли баёни
Банк Кенгаш раиси
И.И.Ибрагимов ______

**2019 йил 30 августда DS-37-0270-сон билан рўйхатга олинган**
**Чет эл капитали иштирокидаги “Hamkorbank” акциядорлик тижорат банкининг юридик шахслар учун депозит сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш шартларига киритилган ўзгартиришлар матни**

***4.1. банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:***

Банк томонидан юридик шахсларга сотиш орқали жойлаштирилган 1 150 000 000 (Бир миллиард бир юз эллик миллион) сўмлик депозит сертификатлари учун:

| № | Муддатлари | Фоизлари |
|---|---|---|
| 1 | 390 кунлик | 16,0 фоиз |
| 2 | 540 кунлик | 16,0 фоиз |
| 3 | 720 кунлик | 16,25 фоиз |
| 4 | 900 кунлик | 16,25 фоиз |
| 5 | 1080 кунлик | 16,5 фоиз |

Банк юридик шахсларга жойлаштирмаган 28 850 000 000 (Йигирма саккиз миллиард саккиз юз эллик миллион) сўмлик депозит сертификатлари учун:

| № | Муддатлари | Фоизлари |
|---|---|---|
| 1 | 390 кунлик | 16,0 фоиз |
| 2 | 540 кунлик | 16,0 фоиз |
| 3 | 720 кунлик | 16,0 фоиз |
| 4 | 900 кунлик | 16,0 фоиз |
| 5 | 1080 кунлик | 16,0 фоиз |

**3.2. банддаги** “ва юридик шахсларнинг муҳрлари (муҳрлар мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланади” деган жумла чиқариб ташлансин.

**3.6. банддаги** “ва муҳрланиши” деган жумла чиқариб ташлансин.

**3.9. банди 1-хатбоши қуйидаги янги таҳрирда баён қилинсин:**

3.9. Сертификат сақловчиси томонидан банкка тўлаб бериш учун тақдим этилган сертификатларда цессиялар мавжуд бўлса, банк цессияларнинг расмийлаштирилиши ва узлуксизлигини текширади. Бунда депозит сертификатлари бўйича — охирги цессияда қайд этилган цессионарий ваколатли шахсининг имзоси ва номи сертификат тўлаб берилиши ҳақидаги аризада ваколатли шахс имзоси, юридик шахснинг номи мос келмаган тақдирда, сертификат сақловчиси томонидан сертификат суммасини талаб қилиб олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат(лар) тақдим этилиши лозим.